

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

САИМНАЗАРОВА ЧАРОС ЮЛДАШЕВНА

**БУҒДОЙ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БИОНАЗОРAT ҚИЛИШДА
КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ МИКРОБИОЛОГИК
БИОПРЕПАРАТЛАР**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саимназарова Чарос Юлдашевна

Буғдой касалликларини бионазорат қилишда комплекс таъсир этувчи
микробиологик биопрепаратлар.....3

Саимназарова Чарос Юлдашевна

Микробиологические биопрепараты комплексного действия для биоконтроля
болезней пшеницы22

Саимназарова Чарос Юлдашевна

Microbiological biopreparations of complex action for biological control of wheat
diseases.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

САИМНАЗАРОВА ЧАРОС ЮЛДАШЕВНА

**БУҒДОЙ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БИОНАЗОРAT ҚИЛИШДА
КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ МИКРОБИОЛОГИК
БИОПРЕПАРАТЛАР**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/В119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Джуманиязова Гульнора Исмаиловна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ташмухаммедова Шохиста Собировна**
биология фанлари доктори, профессор

Кадырова Гулчехра Хакимовна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» январ куни соат 10.00 даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» куни таркатилди.

(2019 йил «_____» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда буғдой донини етиштириш аҳолини сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашни муҳим стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда, фитопатогенлар томонидан экинларга зарар етказилиши сабабли буғдой донининг ҳосилдорлиги, ҳамда сифат кўрсаткичлари пасайишига олиб келмоқда. Буғдойда 311 тадан кўпроқ микроорганизмлар кўзгатадиган касалликлари мавжуд бўлиб, шундан замбуруғлар (253), бактериялар (8) ва вируслар (33) келтириб чиқарадиган касалликлардан иборат. Буғдой ўсимлигини касалланишини кўзгатувчилардан энг кенг тарқалганларидан бу фитопатоген замбуруғлардир. Айниқса, қора куя (чангли, қаттиқ), илдиз ва поя чириши, сариқ (йўл-йўл) занг, септориоз, бошоқларнинг фузариози ва бошқа касалликлар ҳисобланади. Шу сабабли, буғдой касалликларга қарши курашишда биопрепаратлардан фойдаланиш, атроф муҳитни турли кимёвий таъсирлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, яъни кимёвий фунгицидлар ўрнига биофунгицидлардан фойдаланиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш, тизимига риоя этиш, уларни озикланишида ноқулай шароитларни аниқлашни, қишлоқ хўжалиги экинларини ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган омилларини, тупроқ унумдорлиги пастлиги, эрозия, шўрланиш, фосфатланишни, тупроқларнинг пестицидлар ва микотоксинлар билан ифлосланишини аниқлашни, ҳамда ўсимликларни касалликларга чидамлилигини ошириш, патоген микроорганизмларига қарши кураш чораларини такомиллаштириш, микробиологик препаратлар билан ишлов бериш, буғдой касалликларини биологик назорат қилиш, “тупроқ-паразит-ўсимлик” тизимида микробиологик самарадорлигини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамызда қишлоқ хўжалиги экинларинининг маҳсулдорлигини ошириш ва касалликларга қарши курашишда асосан биологик усуллар билан бартараф қилиш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек ўсимликларни касалликларга чидамлилигини ошириш, атроф муҳитни, ҳамда тупроқ микрофлорасини турли кимёвий препаратларнинг зарарли таъсиридан сақлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик овқат хавсизлигини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги УП-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тупроқ унимдорлигига эътибор қаратиш ва патоген микроорганизмларига қарши курашишда биопрепаратлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ИД-88-сон “Ўсимликларни агрокимёвий парвариш қилиш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, 2018 йил 14 июлдаги ПП “Илмий, илмий-техникавий фаолиятини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонида, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш, биологик усуллардан, хусусан антагонист микроорганизмлар ва ўсимликларнинг касалликларига чидамлилигини ошириш усулларидан фойдаланиш, фитопатоген организмларга нисбатан аниқ истикболга эга эканлиги аниқланган. Биофунгицидлардан фойдаланиш нафақат вегетация даврида бактериялар ва замбуруғли инфекцияларнинг ривожланишини, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уруғларини сақлаш вақтида ҳам ишончли назорат қилиш имконини берган (Воронин А.М., Кочетков В.В., 2000). Дунёнинг кўплаб мамлакатлари олимлари Morgounov A., Rosseva L., Koyshibaev M. (2007), P.K. Malaker, I.N. Mian (2009), И.А. Маланичева, Д. Г. Козлов, И.Г. Сумарукова, О. В. Ефременкова, В.А. Зенкова, Г. С. Катруха (2012), Schisler et al., Zhao et al., Xue et al. (2014), Zhao et al. (2014), З. М. Курамшина, Р. М. Хайруллин, М. А. Лукьянцев (2014), Grosu et al., Simonetti et al. (2015), Palazzini et al., Mahmoud, Zalila-Kolsi et al (2016), Г.И. Джуманиязова ва бошқалар (2015), Narbaeva Kh.S (2016), Закирьяева С.И. (2017), Шеримбетов А.Г. (2019) бактериялар асосидаги биологик препаратлардан фойдаланишни афзаллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий-таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2.7 «Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг атроф-муҳитга хавфсиз

экологик соф услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2016-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади буғдой касалликларини биологик назорат қилиш ва “тупроқ-паразит-ўсимлик” тизимини бошқаришда микробиологик препаратларнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

RIZOKOM-2 биопрепаратларнинг буғдой фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик фаоллигини аниқлаш;
кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик фаоллигини таққосий таҳлил қилиш;

сунъий равишда фитопатоген замбуруғлари юктирилган намунавий лаборатория тажриба тупроқларда буғдой ўсимлигини биометрик кўрсаткичларининг ривожланишига, уруғларни кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратлар билан ишлов беришнинг самарадорлигини баҳолаш;

дала шароитида фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой экилган тупроқларнинг биологик фаолликларига ва агрокимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

кичик дала тажрибаларида фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг касалликларининг тарқалишига, буғдойнинг биометрик кўрсаткичларининг ривожланишига, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсирини асослаш;

RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратларининг ўсимлик органлари макро-микроэлементларнинг ўзлаштиришига, буғдойнинг биометрик кўрсаткичлари ўсиши ва ривожланишига, дала шароитида фермер хўжаликларида буғдой касалликларини тарқалишига таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фитопатоген замбуруғлар буғдой ўсимлигининг турли касалликлар кўзгатувчилари, буғдой уруғларига ишлов бериш учун кимёвий фунгицидлар - Bahor ва Celest Top, буғдой уруғларига ишлов бериш учун микробиологик препаратлар - Байкал ЭМ-1, RIZOKOM-2, SERHOSIL, кузги буғдой, шунингдек Тошкент вилоятининг бўзбутлоқи тупроқлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети буғдой фитопатоген замбуруғларига нисбатан кимёвий фунгицидлар ва микробиологик биопрепаратларнинг антагонистик фаоллигини ва уларни тупроқнинг биологик фаоллигига, агрокимёвий таркибига, буғдой ўсимлиги ўсиб ривожланишининг биометрик кўрсаткичларига, ҳамда буғдой касаллиларига, ҳосилдорлик ва доннинг сифатига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда микробиологик, биокимёвий, агрокимёвий, биотехнологик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор буғдой фитопатогенларининг 12 та штаммига нисбатан кимёвий фунгицидларнинг Bahor, Celest Top ва микробиологик препаратларнинг Байкал ЭМ-1, RIZOKOM-2 антагонистик фаоллигини қиёсий баҳоланган ва буғдой уруғларига ишлов бериш учун RIZOKOM-2 биопрепаратидан биофунгицид сифатида фойдаланишнинг афзаллиги аниқланган;

илк бор сунъий равишда фитопатоген замбуруғлари юқтирилган намунавий лаборатория тажриба тупроқларида буғдой ўсимлигини биометрик кўрсаткичларининг ривожланишига, уруғларни биофунгицидлар билан ишлов беришнинг кимёвий фунгицидлар билан қиёсий жиҳатдан самарадорлиги очиб берилган;

анъанавий усулда экилган назорат вариантыда буғдойнинг илдиз чириш касаллиги 8%, қора куя – 17%, бошоқ фузариози - 15%, альтернариоз - 2%, септориоз-15%ни ташкил қилган. RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган вариантыда буғдойнинг илдиз чириши, бошоқ фузариози, альтернариоз, қора куя, септориоз, касалликлари учрамаганлиги аниқланган;

илк бор дала шароитида фермер хўжаликларида RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратларининг ўсимлик органлари макро-микроэлементларнинг (N,P,K,Ca,Zn,Mn,Fe) ўзлаштиришига, буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши биометрик кўрсаткичларига таъсири исботланган;

RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда “тупроқ-паразит-ўсимлик” тизимида буғдой ўсимлигининг касалликларига чидамлилиги ва бионазорти ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий фосфор ва калий парчаловчи *Bacillus* авлодига мансуб буғдой ризобактериялари асосида олинган комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-2 микробиологик биопрепарати ва *Scenedesmus* авлодига мансуб яшил микросувўтлари асосидаги SERHOSIL биопрепарати кузги буғдой ўсимлиги ривожланишига, ҳосилдорлиги ошишига юқори таъсир кўрсатган ва кузги буғдой ўсимлиги фитопатоген касалликлари бионазорат қилиниши асосланган.

RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепарати “Бардош” навида қўлланилганда, сифат кўрсаткичлари яхшиланган, назоратга нисбатан кўшимча ҳосилдорлик 12 ц/га, буғдой дони сифат кўрсаткичларида клейковина 2% га, доннинг шаффофлиги 5% га И.Д.К. кўрсаткичлари 1,9% га ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги - ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилгани ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган. Тажриба маълумотларини статистик ҳисоблаш Стъудент мезони ёрдамида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фунгицид ва биопрепаратларни буғдойнинг

12 та фитопатоген замбуруғ штамmlарига нисбатан антагонистик фаоллигини, сунъий равишда фитопатоген юктирилган тупроқларда ўсимликларнинг чидамлилигини, фунгицидлар ва биопрепаратларни тупроқларнинг биологик фаолликларига, агрокимёвий таркибига, буғдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши биометрик кўрсаткичларига, ҳамда RIZOKOM-2 биопрепаратини биофунгицид сифатида қўллашнинг афзалликларини аниқлаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда “тупроқ-паразит-ўсимлик” тизимида буғдой ўсимлигининг касалликларга чидамлилиги ва бионазоратини ошиши, ҳамда касалликларга қарши курашиш тадбирларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Фунгицидларни ва биопрепаратларни “тупроқ-паразит-ўсимлик” тизимида антифунгал фаоллигини ўрганиш ва буғдой ўсимлиги замбуруғли касалликларини бионазорат қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги “AGRO STIMUL TEX SERVICE” фермер хўжалигида 40 га буғдой майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/021-3331-сон маълумотномаси). Натижада буғдой ўсимлигини “Ғозғон” супер элита навининг ўсиши ва ривожланиши яхшиланган ва назорат вариантыга нисбатан 35 ц/га гача қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

Буғдой касалликларига қарши курашиш учун RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари Тошкент вилояти фермер хўжалигида уруғларга экишдан олдин ишлов берилиб 98 гектар буғдой майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/021-3331-сон маълумотномаси). Натижада далаларда қора куя, ун шудринг ва занг касалликлари учрамаган, ҳамда бир гектар майдонда 65 центнер ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган, объекти ва усуллари тавсифланган, илмий янгилиги белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр қилинган мақолалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Буғдойнинг замбуруғли касалликлари ва уларни назорат қилиш усуллари”** деб номланган биринчи бобида буғдойнинг асосий замбуруғли касалликларининг зарарли томони тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган, буғдой ўсимлигини касалликлардан ҳимоя қилиш ва уларни ҳал қилиш усуллари, бактериал биофунгицидлар ва микробиологик препаратларни буғдой ўсимлиги касалликлари билан курашишда тутган ўрни, тупроқ унумдорлигини ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Микроорганизмлар ва препаратларнинг антагонистик фаоллигини аниқлаш услублари”** деб номланган иккинчи бобида препаратларнинг антагонистик фаоллигини, тупроқларнинг биологик фаоллигини, агрокимёвий таркибини ва ўсимликларнинг элементлар таркибини аниқлаш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Буғдой касалликлари қўзғатувчиларига нисбатан кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг антагонистик фаоллиги”** деб номланган учинчи бобида Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан илмий тажрибалар учун тақдим этилган буғдойнинг 12 та фитопатоген замбуруғларига нисбатан фунгицидлар ва биопрепаратларнинг антагонистик фаолликларини қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқот натижалар келтирилган.

Буғдойнинг 12 та фитопатоген замбуруғларига нисбатан RIZOKOM-2 биопрепаратининг антагонистик фаоллигини ўрганиш. Тадқиқотлар натижалари, 3 та фосфор ва калий парчаловчи буғдой ризобактерия *Bacillus subtilis* штамлари ассоциацияси асосидан ташкил топган комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-2 биопрепарати ўрганилган 12 та буғдой фитопатогенларидан 11 тасига нисбатан юқори антагонистик фаоллигини кўрсатди (1-жадвал, 1-расм).

Кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой фитопатогенлари ўсишини ингибирлашига таъсирини қиёсий ўрганиш. Чапека озика мухотида сунъий равишда фитопатогенлар юқтирилган буғдой уруғларини кимёвий фунгицидлар билан захарлаш ва уруғларга микробиологик препаратлар билан ишлов бериш натижасида, 12 та буғдой фитопатогенларидан Бахор фунгициди 1 (*Drechslera avenacea* 456), Celest Top – 4 (*Drechslera avenacea* 456, *Fusarium fujikuroi* 478, *Fusarium solani* 809 ва *Bipolaris sorokiniana* 838), Байкал ЭМ1- 4 (*Cladosporium herbarum* 403,

Drechslera avenacea 456 ва *Fusarium graminearum* 819) ўсишини ингибирлаши RIZOKOM-2 эса ўрганилган барча 12 та буғдой фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик фаоллик кўрсатганлиги аниқланди (2-расм).


1-жадвал

RIZOKOM-2 биопрепарати таъсирида буғдой фитопатоген замбуруғларининг ўсишини ингибирлаши

Коллекция рақами	Фитопатоген замбуруғларнинг тури	Фитопатогенларни ўсишини ингибирлаши	
		d, мм	%
397	<i>Fusarium oxysporum</i>		
403	<i>Cladosporium herbarum</i>	80	88,8
404	<i>Fusarium sporotrichioides</i>	90	100,0
456	<i>Drechslera avenacea</i>	70	77,7
478	<i>Fusarium fujikuroi</i>	40	44,4
485	<i>Gliocladium roseum</i>	75	83,3
611	<i>Fusarium graminearum</i>	50	55,5
650	<i>Alternaria alternata</i>	80	88,8
809	<i>Fusarium solani</i>	60	66,6
812	<i>Drechslera graminea</i>	70	77,7
819	<i>Fusarium graminearum</i>	70	77,7
838	<i>Bipolaris sorokiniana</i>	75	83,3



1-расм. RIZOKOM-2 биопрепаратини буғдой фитопатогенларига нисбатан антагонистик фаоллиги



2-расм
Кимёвий
фунгицидлар ва
микробиологик
препаратларни
буғдой
фитопатогенларини
нинг ўсишига
таъсири,
тажрибанинг 15 куни
(d,мм)

Намунавий лаборатория тажрибасида сунъий равишда фитопатоген замбуруғлар юқтирилган тупроқларда буғдой ўсимлигининг ривожланишининг биометрик кўрсаткичларига буғдой уруғларини кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратлар билан ишлов беришнинг самарадорлигини баҳолаш. Намунавий лаборатория тажрибаларида сунъий равишда фитопатоген замбуруғлар билан зарарлантирилган тупроқларда буғдой биометрик кўрсаткичлари ўсиши ва ривожланишига кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг таъсири ўрганилди.

2-3-жадвал ва 3 расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сунъий равишда фитопатоген замбуруғлар билан зарарлантирилган тупроқларда назорат (уруғлар сув билан ишлов берилган), буғдой уруғларини экишдан олдин кимёвий фунгицидлар ва Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитлар билан ишлов беришга нисбатан, RIZOKOM-2 биопрепарати билан буғдой уруғларини экишдан олдин ишлов бериш, буғдой майсаларининг биометрик кўрсаткичлари ўсиши ва ривожланишига энг яхши таъсир кўрсатди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида RIZOKOM-2 биопрепарати биофунгицид сифатида ҳам ишлатилиши, ҳамда ўрганилган Бахор ва Celest Top кимёвий фунгицидлар ва Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитга альтернатив бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2-жадвал

Сунъий равишда фитопатогенлар юқтирилган тупроқ фонларида кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой Бардош навининг бўйининг узунлигига таъсири (лаборатория тажрибаси 40 сутка, n=3)


№	Коллекция №	Фитопатоген замбуруғларнинг тури	Буғдой уруғларини экиш олдида фунгицидлар ва биопрепаратлар билан ишлов берилган				
			Назорат	Бахор	Celest Top	Байкал ЭМ-1	RIZOKOM-2
Ўсимлик бўйи узунлиги (см)							
1	397	<i>Fusarium oxysporum</i>	21,1±0,6	20,2±0,8	22,1±1,4	20,4±1,1	35,6±1,8
2	403	<i>Cladosporium herbarum</i>	25,6±0,9	20,0±0,9	20,4±2,3	22,4±0,6	35,3±1,2
3	404	<i>Fusarium sporotrichioides</i>	30,3±0,3	30,0±0,4	23,5±0,3	30,2±1,9	35,7±0,9
4	456	<i>Drechslera avenacea</i>	22,1±0,4	20,0±0,5	20,3±0,8	22,3±1,6	35,1±1,2
5	478	<i>Fusarium fujikuroi</i>	23,5±1,2	22,5±1,0	25,4±1,8	20,2±0,9	35,6±0,5
6	485	<i>Gliocladium roseum</i>	30,3±0,7	30,6±1,7	33,6±0,8	27,3±1,4	40,3±0,8
7	611	<i>Fusarium graminearum</i>	20,4±1,3	25,3±0,8	20,5±1,2	22,4±0,3	35,8±0,7
8	650	<i>Alternaria alternata</i>	25,3±1,2	30,3±4,3	30,4±1,4	33,1±1,1	35,4±1,6
9	809	<i>Fusarium solani</i>	25,1±1,1	30,6±1,2	30,3±0,6	25,2±0,9	32,2±0,9
10	812	<i>Drechslera graminea</i>	25,6±1,3	21,3±2,4	20,8±1,4	22,6±1,1	35,5±0,8
11	819	<i>Fusarium graminearum</i>	30,5±0,3	25,8±0,6	20,6±0,3	23,7±0,4	35,6±0,3
12	838	<i>Bipolaris sorokiniana</i>	25,6±1,3	20,3±1,7	25,4±0,8	20,1±0,1	32,3±0,5

Изох: $p \leq 0,05$ – назоратга нисбатан ишончли

**Сунъий равишда фитопатогенлар юктирилган тупроқ фонларида
кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой
Бардош навининг умумий оғирлигига таъсири
(лаборатория тажрибаси 40 сутка, n=3)**

№	Коллекция №	Фитопатоген замбуруғларининг тури	Назорат	Баҳор	Celes Top	Байкал ЭМ-1	RIZO КОМ-2
Ўсимликнинг умумий оғирлиги (г)							
1	397	<i>Fusarium oxysporum</i>	1,8±0,06	2,9±0,23	2,3±0,8	2,7±0,4	12±3,8
2	403	<i>Cladosporium herbarum</i>	4,3±0,23	3,4±0,29	2,5±0,29	3,3±0,2	6,8±0,1
3	404	<i>Fusarium sporotrichioides</i>	6,0±0,58	4,9±0,29	5,2±0,43	8,2±1,5	11,2±1,3
4	456	<i>Drechslera avenacea</i>	2,9±0,22	3,2±0,15	2,9±0,29	2,9±0,5	9,8±1,3
5	478	<i>Fusarium fujikuroi</i>	2,7±0,15	1,4±0,12	2,9±0,12	1,4±0,2	9,2±0,9
6	485	<i>Gliocladium roseum</i>	5,2±0,15	2,7±0,15	4,2±0,15	3,0±0,29	12,3±0,8
7	611	<i>Fusarium graminearum</i>	5,1±0,22	3,1±0,32	2,5±0,29	4,2±0,15	13,6±1,3
8	650	<i>Alternaria alternata</i>	2,9±0,23	3,4±0,32	1,9±0,5	3,4±0,4	8,8±0,8
9	809	<i>Fusarium solani</i>	2,9±0,03	4,8±0,3	3,4±0,29	5,4±0,4	14,1±0,9
10	812	<i>Drechslera graminea</i>	3,2±0,15	3,2±0,15	2,9±0,5	2,2±0,15	10,2±0,9
11	819	<i>Fusarium graminearum</i>	5,1±0,6	3,0±0,29	2,3±0,35	4,0±0,3	13,8±0,5
12	838	<i>Bipolaris sorokiniana</i>	2,2±0,43	2,3±0,15	2,5±0,3	2,8±0,12	6,2±0,4

Изох: $p \leq 0,05$ – назоратга нисбатан ишончли




3-расм. Сунъий равишда фитопатогенлар билан зарарланган тупроқ фонларида кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой “Бардош” навининг ўсиш ва ривожланишига таъсири (лаборатория тажрибаси, 40 кундан кейин, n=3)

Намунавий лаборатория тажрибаларида кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг сунъий равишда фитопатогенлар билан зарарланган тупроқларнинг микрофлорасига таъсирини аниқлаш. Намунавий лаборатория тажрибаларида кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг сунъий равишда *Gliocladium roseum* 485 турдаги фитопатоген билан зарарланган тупроқларда, уруғларни RIZOKOM-2 ва Celest Top билан ишлов берилган вариантларда аммонификаторлар миқдори 1-2 тартибга камайиши минераллашув жараёнидан тупроқдаги органик

моддаларнинг камайганлиги аниқланди, олигонитрофиллар миқдори кўплиги, фосфор парчаловчи бактериялар миқдори RIZOKOM-2 вариантыда назоратга нисбатан 1 тартибга (10^6 дан 10^7 КХБ/г тупроқ гача) ошганлиги ва бошқа вариантларда улар учрамаганлиги аниқланди. Мой кислотали, целлюлоза парчаловчи аэроб бактериялар, нитрификаторлар (10^7 КХБ/г тупроқ) II фазаси ва актиномицетлар (10^5 КХБ /г тупроқ) миқдори бир хил тартибда бўлди. Бахор фунгициди билан уруғларга ишлов берилган вариантда целлюлоза парчаловчи анаэроб бактериялар миқдори назоратга нисбатан 2 тартибга (10^6 дан 10^4 КХБ/г тупроқ) юқори бўлди, бу целлюлозадан ташкил топган тупроқ бирикмаларининг анаэроб парчаланишини кўрсатади, бошқа вариантларда уларнинг миқдори назоратга нисбатан 2 тартибга (10^4 дан 10^2 КХБ/г тупроқ гача) камайганлиги кузатилди. Кимёвий фунгицидлар билан уруғларга ишлов берилган вариантларда нитрификаторлар I фазаси миқдори 2 тартибга камайди, бу буғдой ўсимлигининг азотли озикланишининг ёмонлашуvidан далолат беради ва биопрепаратлар қўлланилган вариантларда кўрсаткичлар бир хил тартибда сақланиб қолди (4-расм).

Шундай қилиб, буғдой уруғларини экиш олдиан кимёвий фунгицидлар билан ишлов бериш салбий таъсир кўрсатди, микробиологик препаратларни қўллашда тупроқнинг ҳайдалма қатламида тупроқ микроблар уюшмасига ижобий таъсир кўрсатди деб хулоса қилиш мумкин.



АМ-аммонификаторлар, ОЛ-олигонитрофиллар, ФМБ-фосфорпарчаловчи бактериялар, МАС-мойкислота ҳосил қилувчи бактериялар, ЦАЭ –целлюлозапарчаловчи аэроблар, ЦАНАЭ- целлюлозапарчаловчи анаэроблар, НИТ I – нитрификаторлар I фаза, НИТ II – нитрификаторлар II фаза, АКТ-актиномицетлар

4-расм. Сунъий равишда *Gliocladium roseum* 485 фитопатоген штамми билан зарарланган буғдой экилган тупроқларда кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг тупроқ микроорганизмлари миқдорига таъсири (лаборатория тажрибаси 40 сутка, КХБ/тупроқ)

Кимёвий фунгицидлар ва биопрепаратлар таъсирида стрептомицин қўшилган картошка агариди 12 та фитопатоген замбуруғларнинг ривожланиши кузатилди. Тупроқдаги *Gliocladium roseum* 485 фитопатоген замбуруғнинг миқдори камайиши бўйича энг яхши вариант сифатида уруғларни RIZOKOM-2 биофунгициди билан ишлов берилган вариант бўлди

(4-жадвал). Шунга ўхшаш маълумотлар, тажрибадаги 11 та фитопатоген замбуруғлари учун ҳам олинди.


4-жадвал.

Кимёвий фунгицидлар ва биопрепаратлар таъсирида стрептомицин қўшилган картошка агарида *Gliocladium roseum* 485 микдори (лаборатория тадқиқоти 40 кундан сўнг)

Тажриба вариантлари	<i>Gliocladium roseum</i> , 485, микдори КХБ/г тупроқ	Бирга учраган замбуруғлар
Назорат- уруғлар сувда ивигилган	5x10 ⁴	<i>Alternaria ssp</i> , <i>Cladosporium sp</i> , <i>Fusarium ssp</i> .
Тажриба – уруғларга Бахор фунгициди билан ишлов берилган	4x10 ⁴	<i>Alternaria ssp</i> , <i>Aspergillus ssp</i> , <i>Fusarium ssp</i> .
Тажриба – уруғларга Celest Top фунгициди билан ишлов берилган	1x10 ³	<i>Alternaria ssp</i> , <i>Penicillium sp</i> .
Тажриба – уруғларга Байкал ЭМ-1 билан ишлов берилган	3x10 ³	<i>Penicillium sp</i> , <i>Trichoderma sp</i> .
Тажриба – уруғларга RIZOKOM-2 билан ишлов берилган	1x10 ²	<i>Penicillium sp</i> , <i>Trichoderma sp</i> .

Диссертациянинг “Дала шароитида кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг буғдой экилган тупроқларнинг биологик фаоллиги ва агрокимёвий таркибига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида 2017-2019 йилларда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси Институтининг намунавий майдонларида ўтказилган кичик бўлакчали дала тажрибалари натижалари келтирилган.

Кузги буғдой экилган тупроқларнинг тупроқ микроблар уюшмаси ва “нафас олиш” жараёнлари. Буғдой ўсимлиги вегетация даврининг боши ва охирида Бардош нави уруғларини экиш олдиан кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратлар билан ишлов берилган вариантларда тупроқнинг микроблар уюшмаси ва агрокимёвий таркиби тажрибада аниқланди (5-расм).




5-расм.
Бугдой экилган тупроқларнинг тупроқ микроорганизмлари микдорига кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг таъсири (lg КХБ/тупроқ, ҳайдалма қатлам 0-30 см)

5-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, аммонификаторларнинг сони бир хил тартибда бўлди, дастлабки тупроқда ва вегетациянинг охирида $2,2 \times 10^8$ - $9,0 \times 10^8$ КХБ/г тупроқни ташкил қилди. Фақат RIZOKOM-2 вариантыда олигонитрафиллар миқдори вегетациянинг охирига келиб бир тартибга ($7,1 \times 10^6$ дан $1,3 \times 10^7$ КХБ/г тупроқгача), фосфор парчаловчилар эса 2 тартибга ($6,2 \times 10^6$ дан $1,2 \times 10^8$ КХБ/г тупроқгача) ошди.


Актиномицетлар миқдори дастлабки тупроқда ва вегетациянинг охирида микробиологик препаратлар қўлланилган вариантларда бир хил тартибда ($4,3 \times 10^5$ - $5,1 \times 10^5$ КХБ/г тупроқ) учради, назоратда ва кимёвий фунгицидлар қўлланилган вариантларда 1 тартибга ($4,3 \times 10^5$ дан $1,0 \times 10^4$ - $3,2 \times 10^4$ КХБ/г тупроқгача) камайди. Уруғлар RIZOKOM-2 билан ишлов берилган вариантда микромицетлар миқдори дастлабки тупроқдагидан буғдойнинг вегетация даврининг охирига келиб бир тартибга ($1,2 \times 10^4$ дан $8,0 \times 10^5$ КХБ/г тупроқгача) ошди, уруғларга ишлов берилган бошқа вариантларда Бахор, Celest Тор ва Байкал ЭМ-1 микромицетлар миқдори вегетация охирига келиб 3-4 тартибга ошди, бу эса ушбу вариантларда тупроқ микрофлорасининг номутаносиблигидан далолат беради.

Буғдой экилган тупроқларнинг агрокимёвий таркиби. Тупроқларнинг агрокимёвий таркибига кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратларнинг таъсири динамикада кузатилди (5-жадвал). Тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус, ҳаракатчан азот, фосфор ва калийнинг миқдори буғдойнинг вегетация даврида назоратда, шунингдек фунгицидлар ва биопрепаратлар қўлланилган вариантларда ўзгарди. Шундай қилиб, барча вариантларда гумус миқдори буғдой вегетация даврининг охирига келиб 0,01-0,02% га камайди, RIZOKOM-2 варианты бундан мустасно, бу ерда вегетация даврининг охирига келиб гумус миқдори 0,02% га кўпайди.


Ҳаракатчан азот миқдори вегетация даврининг охирига келиб барча вариантларда 6,2-10,1 мг/кг тупроққа, RIZOKOM-2 вариантыда эса 16,0 мг/кг тупроққа ошди. Ҳаракатчан фосфор миқдори вегетация даврининг охирига келиб тажриба вариантларида 8,4-12,6 мг/кг тупроққа, RIZOKOM-2 вариантыда эса 5,0 мг/кг тупроққа камайди. Ҳаракатчан калий миқдори вегетация даврининг охирига келиб тажриба вариантларида 38,0-50,0 мг/кг тупроққа, RIZOKOM-2 вариантыда эса 24,0 мг/кг тупроққа камайди. Тузлар миқдори барча тажриба вариантларида 0,005-0,015%, RIZOKOM-2 вариантыда 0,028% га камайди. Тупроқнинг рН кўрсаткичи фақат RIZOKOM-2 вариантыда буғдой ўсимлиги вегетация даври охирига келиб, қолган рН кўрсаткичи ишқорий томонга ўзгарган вариантлардан фарқли равишда дастлабки тупроқ натижалари кўрсаткичи бўйича қолди. Шундай қилиб, тупроқларнинг агрокимёвий таҳлиллари асосида, RIZOKOM-2 биопрепарати билан уруғларга ишлов берилган варианты озиқ моддалари бўйича энг яхши вариант бўлди.




дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK




дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK




дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK



дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK



дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK



дастлабки тупроқ тупланиш даври пишиш даври
 Назорат, NPK тажриба-Баҳор, NPK тажриба-Celest Top, NPK
 тажриба-Байкал ЭМ-1, NPK тажриба-RIZOKOM-2, NPK

6 -расм. Буғдой ўсимлигининг вегетация даври давомида тупроқларнинг агрокимёвий таркибига фунгицид ва микробиологик препаратларнинг таъсири динамикаси

Буғдойнинг замбуруғли касалликларининг тарқалишига фунгицидлар ва биопрепаратларнинг таъсирини ўрганилди. 5-жадвалда келтирилган

маълумотлардан кўриниб турибдики, замбуруғли касалликларнинг аксарияти буғдой етиштиришнинг анъанавий технологияси, яъни назоратда ва кимёвий фунгицидлар билан ишлов берилганда кўп учради, уруғлар экишдан олдин Байкал ЭМ-1 билан ишлов берилганда бироз камроқ ва RIZOKOM-2 биопрепарати билан ишлов берилган вариантда эса кам учради.

5-жадвал.

Уруғларга кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратлар билан ишлов берилган буғдойнинг “Бардош” нави баргларининг заррарланиш даражасига таъсири (кичик бўлакчали тажриба, 2019 й.)

Буғдойнинг замбуруғли касалликлари	Тажриба вариантлари					
	Касалик кўзгатувчилар	Уруғларга экишдан олдин ишлов бериш				
		Назо-рат	Ба-хор	Celest Top	Байкал ЭМ-1	RIZO-KOM-2
Септориоз касаллиги	<i>Septoria tritici</i>	21%	18%	16%	2%	1%
Гельминтоспориозли йўл -йўл доғланиш	<i>Bipolaris sorokiniana</i>	17%	15%	15%	5%	2%
Баргларда йўл-йўл доғланиш	<i>Dreschlera tritici</i>	17%	6%	8%	1%	аниқлан мади

Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифати биометрик кўрсаткичлари. 2018 йил октябр ойида дала тажрибаси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг тажриба майдончасида ўтказилди. Кузги буғдой “Бардош” навининг ўсиши ва ривожланиши биометрик кўрсаткичлари вегетация даврида, динамикада кимёвий фунгицидлар ва микробиологик препаратлар қўлланилиб тадқиқ қилинди. Байкал ЭМ-1 микробиологик препарати, ҳамда Бахор ва Celest Top кимёвий фунгицидлари қўлланилган вариантларга нисбатан, RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган тажриба вариантыда кузги буғдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишининг барча биометрик кўрсаткичлари бўйича назоратдан ишончли ошди.

Буғдой донининг сифати таҳлил қилинганда, доннинг сифати бўйича энг яхши кўрсаткичларни микробиологик препаратлар RIZOKOM-2 + SERHOSIL қўлланилган вариантларда аниқланган – клейковина бўйича - 28,4%, шаффофлиги - 94,3%, КДИ (клейковина деформацияси индекси) бўйича – 75 ш. б. ташкил қилган.

RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратларининг макро-микроэлементларни ўсимлик органларига қабул қилинишига, дала шароитида фермер хўжаликларида буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши биометрик кўрсаткичларига таъсири. Ўсимликларни касалликларга чидамли бўлиши калий ва фосфорли ўғитларининг тупроқга берилиши ва узлуксиз ўсимликлар ўзлаштириши натижаси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Фермер хўжалиги дала тажрибаларида буғдой ости тупроқларига N₅₀₀P₃₀₀K₅₀ кг/га минерал ўғитлари берилган. Ядро физикаси институти ходимлари билан биргаликда буғдой ўсимлигининг вегетация даврлари давомида тупроқдан

буғдой ўсимлиги органларига 33 та макро- микроэлементларнинг қабул қилиниши ўрганилди. RIZOKOM-2 биопрепарати таркибидаги калий ва фосфор парчаловчи бактериялар ҳисобига буғдой ўсимлиги вегетацияси давомида кальций, фосфор, азот, калий, цинк, марганец ва бошқаларнинг тупроқдан буғдой ўсимлиги тарафидан ўзлаштирилиши яхшиланган, бу ўз навбатида биокимёвий ва физиологик жараёнларга ҳамда моддалар алмашинувига ахамиятли таъсир кўрсатган. Ўсимлик ва патоген билан ўзаро мунасобатга тупроқда кечадиган жараёнлар ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Натижада буғдой ўсимлигини касалликларга нисбатан турғунлиги ва чидамлилиги ошди.

ХУЛОСАЛАР

«Буғдой касалликларини бионазорат қилишда комплекс таъсир этувчи микробиологик биопрепаратлар» мавзусидаги диссертация иши буйича олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор буғдой ризобактерияларининг 3та фосфор ва калий парчаловчи *Bacillus subtilis* штамми ассоциацияси асосидаги комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-2 биопрепарати 12 та буғдой фитопатогенларининг 11 тасига нисбатан юқори антагонистик таъсир кузатилди. Фунгицидлар ва биопрепаратларнинг антагонистик фаоллигини қиёсий таҳлил этилганда Баҳор буғдойнинг 12 та фитопатогенидан 1 та замбуруғни (*Drechslera avenacea* 456) ўсишини ингибирлади, Celest Top – 4 (*Drechslera avenacea* 456, *Fusarium fujikuroi* 478, *Fusarium solani* 809 ва *Bipolaris sorokiniana* 838), Байкал ЭМ1- 4 (*Cladosporium herbarum* 403, *Drechslera avenacea* 456 ва *Fusarium graminearum* 819), RIZOKOM-2 – ўрганилган буғдой фитопатоген замбуруғларининг барча 12 та штаммларига антагонистик фаоллик таъсирини намоён қилди.
2. Илк бор намунавий лаборатория тажрибаларида сунъий равишда фитопатоген замбуруғлар юктирилган тупроқларда, назорат (уруғларга сув билан ишлов берилган), буғдой уруғларини экишдан олдин кимёвий фунгицидлар (Баҳор, Celest Top) ва Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитлар билан ишлов беришга нисбатан RIZOKOM-2 биопрепарати билан буғдой уруғларига экиш олдида ишлов берилганда буғдой майсаларининг биометрик кўрсаткичлари ўсиши ва ривожланишига энг яхши таъсир этиши қайд этилди.
3. Кичик дала тажрибасида ўтказилган тупроқларда RIZOKOM-2 қўлланилганда вегетация даврининг охирига келиб гумус миқдори 0,02% га кўпайди, бошқа вариантларда 0,01-0,02% га камайди. Ҳаракатчан азот миқдори вегетация даврининг охирига келиб RIZOKOM-2 вариантыда 16,0 мг/кг тупроққа, бошқа вариантларда 6,2-10,1 мг/кг тупроққа ошди, ҳаракатчан фосфор миқдори RIZOKOM-2 вариантыда 5,0 мг/кг тупроққа, бошқа вариантларда 8,4-12,6 мг/кг тупроққа камайди, ҳаракатчан калий миқдори вегетация даврининг охирига келиб RIZOKOM-2 вариантыда 24,0 мг/кг тупроққа, бошқа вариантларда 38,0-50,0 мг/кг тупроққа камайди,

тузлар миқдори RIZOKOM-2 вариантыда 0,028% га, бошқа вариантларда 0,005-0,015%, камайди.

4. RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилган вариантыда буғдойнинг илдиз чириши, бошоқ фузариози, альтернариоз, қора куя, септориоз, касалликлари учрамади ҳамда назоратда буғдойнинг илдиз чириш касаллиги 8%, қора куя – 17%, бошоқ фузариози - 15%, альтернариоз – 2%, септориоз -15% ни ташкил қилади.
5. RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратларини қўллаш ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган озикавий макро-микроэлементларни тупроқдан ўзлаштирилишини яхшилади – назоратга нисбатан уларнинг таркиби алоҳида ўсимлик органларида ва донда ошади.
6. RIZOKOM-2 ва SERHOSIL биопрепаратлари қўлланилганда Ғозгон супер элита буғдой навининг ҳосилдорлиги 65-75 ц/га ни, назоратда 45 ц/га ни, қўшимча ҳосилдорлик 20-35 ц/га ни ташкил қилди. Буғдой доннинг сифат натижалари Бахор, Celest Тор кимёвий фунгицидлари ва Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитини қўллашга нисбатан RIZOKOM-2 ва SERHOSIL қўлланилган вариантда энг яхши натижа берди, клейковина (28,4%), шаффофлиги (94,3%), КДИ (75 ш.б.) ташкил этади.
7. RIZOKOM-2 биопрепарати буғдой касалликларини бионазоратида биофунгицид сифатида қўлланилиши Бахор, Celest Тор кимёвий фунгицидлари ва Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитига альтернатив сифатида тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

Саимназарова Чарос Юлдашевна

**МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ БИОПРЕПАРАТЫ КОМПЛЕКСНОГО
ДЕЙСТВИЯ ДЛЯ БИОКОНТРОЛЯ БОЛЕЗНЕЙ ПШЕНИЦЫ**

03.00.04 – Микробиология и вирусология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под ном В2017.3.PhD/В119.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Джуманиязова Гульнара Исмаиловна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ташмухаммедова Шохиста Собировна**
доктор биологических наук, профессор

Кадырова Гульчехра Хакимовна
доктор биологических наук

Ведущая организация: Институт генетики и экспериментальной биологии растений

Защита диссертации состоится «10» января 2020 года в «10.00» часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.В.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7б, конференц-зал Института микробиологии, 3 этаж. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрировано под №). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 7б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан « » 2019 года.

(реестр протокола рассылки № от « » 2019 г.).

Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире производство зерна пшеницы - одно из важнейших стратегических направлений укрепления экономики страны. На сегодняшний день, из-за поражаемости культур фитопатогенами снижается урожайность зерна и его качественные показатели. В мире насчитывается более 311 инфекционных болезней пшеницы, вызываемых грибами (253), бактериями (8) и вирусами (33). Среди возбудителей болезней озимой пшеницы доминирующее место занимают грибковые микроорганизмы. Особенно процветают черная головня (пыльная, твердая), корневая и стеблевая гниль, желтая (полосчатая) ржавчина, листовая (бурая) ржавчина, черный зародыш зерна, фузариоз листьев и колоса и др. В связи с этим применение биопрепаратов в борьбе с заболеваниями пшеницы и защита окружающей среды от различного химического воздействия имеет важное значение.

В мире проводятся научные исследования по улучшению урожайности и повышению плодородия почв, то есть по применению биофунгицидов вместо химических фунгицидов. В том числе, интегрирование системы защиты растений от заболеваний требует определения неблагоприятных условий питания, факторов оказывающих глубокое отрицательное воздействие на развития сельскохозяйственных культур, таких как, низкое плодородие, эрозия, засоление, зафосфачивание, загрязнение почв пестицидами и микотоксинами, и повышение устойчивости растений к заболеваниям, усовершенствование мер борьбы с патогенными микроорганизмами, обработка микробиологическими препаратами, биоконтроль заболеваний пшеницы и повышение микробиологической эффективности в системе «почва-паразит-растение».

В республике особое внимание уделяется повышению продуктивности сельскохозяйственных культур, разработке и внедрению в практику мероприятий по борьбе и устранению заболеваний в основном биологическими способами, а также получены весомые результаты по повышению устойчивости растений к заболеваниям, по защите окружающей среды и микрофлоры почвы от отрицательного воздействия химических препаратов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи по «...разработке и внедрению мер защиты растений от болезней и вредителей, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции...»¹. Для выполнения этих задач, в том числе необходимо обратить внимание на плодородие почв и применению биопрепаратов в борьбе с патогенными микроорганизмами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

¹«Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан». 7 февраль, 2017 год, № УП-4947.

Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан ID-88 от 02 августа 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы агрохимического обслуживания и защиты растений» и Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 июля 2018 года ПП «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации научной и научно-технической деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

